

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Сизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан муборакбод этади!

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

MIKROKREDITBANK

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес билан шуғулланаётганларга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача:**

- ***юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача;***
- ***юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача;***
- ***фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратади.***

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатади.

Шунингдек, бутун республикамиз ҳудудларидаги филиаллар томонидан аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилади.




**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

## «Микрокредитбанк» АТБ тизимида жисмоний шахслар учун миллий валютадаги омонат турлари

| № | Омонат (депозит) номи | Муддати | Йиллик фоиз ставкаси | Бошланғич бадал | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Талаб қилиб олингунча | чекланмаган | 6% | чекланмаган | Маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади. |
| 2. | «Орзу» | 3 ой | 18% | 50 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| 3. | «Тадбиркор» | 6 ой | 18% | 25 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар олдиндан тўланади. |
| 4. | «Нуроний» | 1 йил | 18% | чекланмаган | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| 5. | «Сиҳат-саломатлик» | 1 йил | 18% | 1 000 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар ҳар чоракда тўланади. |
| 6. | «Тежамкор-коммуналчи» | 2 йил | 18% | чекланмаган | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда фақатгина коммунал тўловларга ўтказиб берилади. |
| 7. | «Истеъмол» жамғармаси | | банк маржаси 10% | 150 000 сўм | Мазкур жамғармага маблағ қўйган шахсга 1,5 ойдан сўнг қўйган маблағининг уч баравари миқдорида «Истеъмол» кредити ажратилади. «Истеъмол» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизлар «Истеъмол» кредитига ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади. |
| 8. | «Она юрт» | 3 ой | 18% | 150 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. |
| 9. | «Ҳомий» | 4 ой | 18% | 200 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. |
| 10. | «Шифокор» | 5 ой | 18% | 200 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| 11. | «Мучал тўйи» | 3 ой | 18% | 200 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоиз тўловлари омонатчининг мучал ойида тўланади. |
| 12. | «Омад» | 4 ой | 18% | 150 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. |


# ҒУРУРИ БАЛАНД

энди биз, сирдарёликлар эгарга маҳкам ўтириб олдик. Отимиз бундан буён марра кўргани кўрган...

Қуш қаноти билан тирик, деган гапни ҳамма билади. Одам боласининг қаноти унинг дасти узунлигию имкониятидир. Бу гапни бизга Ховос туманидаги «Камолиддин» фермер хўжалигининг раҳбари Абдураззоқ Ҳотамов айтган эди.

— Юртимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларига раҳмат айтмасдан иложимиз йўқ, — деди у. — Биз, деҳқонларга қандай ёрдам керак бўлса, ҳаммасини муҳайё қилиб қўйишди. Сирдарёнинг Сирдарё бўлиб яна қайтадан қад ростлашига ана шу ёрдамлар ҳам сабаб бўлди. Бироқ мени кўпдан буён бир фикр қийнаб келади. 10-15 гектар ери бор фермерларнинг қўли баъзи ишларни бажаришда калталик қилиб қолаяпти. Фикримча, фермернинг ер майдони камида 80-100 гектар бўлиши керак. Ана шунда фазодаги бургут каби бемалол қанот қоқади. 10-15 гектар ерга эга деҳқон на техника сотиб ололади, на кўнглига тугиб қўйган катта ўйларини адоғига етказа олади. У худди калта кўрпа ёпинган одамга ўхшайди. Кўрпа билан оёғини ёпса, боши очилиб қолади, бошини ёпса, оёғи... Бизнинг еримиз етарли, 81 гектарлик далада меҳнат қиламиз. Техникамиз ҳам, ишчи кучимиз ҳам жойида. Аъзоларимиз асосан ўғил-қизларимизу невараларимиздан иборат. Бироқ фақат ўзимизни ўйламаслигимиз керак. Бу йил ҳам худди ўтган йилдаги каби, барча топшириқларни ошириб бажардик. Соф даромадимиз 30 миллион сўмдан ошиб кетди. Қўлимизни қаёққа узатсак етади.

...Шу нуқтада бир тўхтаб олайлик. Вилоят бўйича бу йил 300 га яқин фермер ҳосилдорликни 40-45 центнерга етказди. Буни кўрсаткич деса арзийди. Сўнгги икки йил ичида вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 14 центнер, пахта ҳосилдорлиги эса 9,2 центнер ошибди. Бунга ўзингиз баҳо бера қолинг.

Хижолат чекадиган дамлар ортда қолганга ўхшайди. Сабаби, Сирдарёда ўн уч йил мобайнида давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режа бажарилмади. Шундай йиллар бўлдики, вилоят бўйича ҳар гектар ердан атиги 9-11 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, холос. Нима бўлдики, вилоятда кескин кўтарилиш палласи бошланди? Бунга таъминотдаги покланиш, ерни асл деҳқонларга ишониб топшириш, янги техникалар харид қилиш эвазига эришилдими? Эҳтимол, ирригация ва мелиорация ишларининг жонланганлиги ютуқлар калити бўлгандир?

Ҳа, булар бор гап. Буларнинг ҳаммаси вилоят ҳаётида юз бераяпти. Бироқ кўнгил деган нарса бор. Одам боласининг кўнглига йўл топа билмоқ керак. Ана шунда сиз кўнгилга йўл топган инсон шундай ишларга қодир бўладики, беихтиёр ушлагани ёқа қидириб қоласиз. Деҳқон билан пайкалнинг ичида туриб гаплашган маъқул. Деҳқон билан унинг тирсагидан ушлаганча дала айланиб гаплашган маъқул. Рўзғорини суриштириш, фарзандларининг туриш-турмушини суриштириш кўнгилга олиб борувчи бир сўқмоқдир. Ана шунда унинг юзи ёришиб кетади. Ана шунда унинг кўнглида офтоб чақнайди.

...Ноябрь ойининг бошида ғалати бир воқеа содир бўлди. Бозорларда бирдан чопон, дўппи ва белбоғнинг нархи кўтарилиб кетди. Сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам ҳайрону лол бўлиб қолишди.

5 ноябрь куни эса вилоят марказидаги стадионда туманлардан ташриф буюрган энг илғор фермер, сувчи, механизатор, ҳосилотларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Яшил майдонга мингга яқин одамлар тўпланишди. Ўриндиқдаги минглаб одамлар эса илғорларни биттама-битта гулдурос қарсаклар билан олқишлаб туришди. Сир очилди. Зартўнлар, кимхоб тўнлар, зар белбоғу зомин дўппилари ана шу илғорларни тақдирлаш учун қимматбаҳо совғалар билан биргаликда харид қилинган экан. Ўша куни ўйингоҳ кенгайиб кетгандек бўлди. Ўша куни ўйингоҳ илғорларни бағрига сиғдиролмай энтикиб кетди...

Дўппини олиб қўйиб фикр юритайлик. Хўш, вилоятда фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси истиқболга юз тутдими? Қувонарлиси шуки, саноат, қурилиш, транспорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, фан ва таълим соҳаларида ҳам маълум бир ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўтган йилнинг тўққиз ойи давомида вилоятда 82,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ана шу кўрсаткич шу йилнинг тўққиз ойи давомида 124,9 миллиард сўмни ташкил этди. Ўтган йили вилоятда ўз кучи билан бажарилган пудрат ишлари ҳажми 18,9 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ушбу йилда бу кўрсаткич 32 миллиард сўмга яқинлашди. Савдо айланмаси, аҳолига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш, ташқи иқтисодий алоқалар, молиявий фаолият соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Туман марказлари ва катта-кичик қишлоқларда қурилаётган амбулаториялар, поликлиникалар, янгидан қуриб битказилган ва таъмирдан чиқарилган мактаблар, ўйингоҳлар, барпо этилган боғлар, йўл ва кўприклар, коллеж ва лицейлар вилоят қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Агар мураккаб жарроҳлик амалиётини демасак, эндиликда мирзачўлликлар барча тиббий ёрдамларини ўз қишлоқларидан бир қадам ҳам четга чиқмай олишаяпти. Ҳозирги кунда вилоятнинг барча қишлоқларидаги биронта мактаб йўқки, у ерда компьютер хонаси бўлмаса.

Гулистонлик тадбиркор Маъруф Мансуров бундай дейди:

— Эндиликда на шаҳарликни, на шаҳарга келган меҳмонларни кенг ва равон йўллар билан, кўпригу хиёбонлар билан ҳайратга солиб бўлади. Эндиликда гап ҳаммамиз бир бўлиб Гулистонни мамлакатда энг намунали шаҳарлар қаторига қўшишда қолган...

Яхши гап! Жўяли фикр! Биз номини тилга олган Маъруф Мансуров тўрт-беш йил муқаддам кўлмак ва ботқоқзордан иборат темир йўл ёнидаги жойни чин ватанпарварлар билан обод масканга айлантирди. Обод маскан деганлари шулки, ўттизга яқин дўконлар қурилди. Уларнинг маблағлари ҳисобига очиқ ва ёпиқ савдо расталари бунёд этилди.

— Гулистонда республикамиздаги ҳар қандай шаҳар раҳбарлари ҳавас қилса арзигулик темир йўл бекати биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Икки-уч йилда йигирмага яқин турар жой бинолари, маданий-маиший нуқталарнинг очилиш маъросимлари бўлиб ўтди, — дейди Гулистон шаҳар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация тармоқлари бошқармасининг бошлиғи Латиф Умурзоқов. — Янги йил арафасида ўз курантимизга эга бўламиз. Бу курант шаҳарнинг тўрт томонидан ҳам яққол кўзга ташланади.

Тўрт оғиз илиқ гап кўнгилни кўтаради. Биз бугун имкон қадар илиқ гап айтишга ҳаракат қилдик. Сирдарёликлар ана шу илиқ гапларга лойиқдирлар. Вилоятда ҳали ҳал қилинишини кутаётган муаммолар етарли. Вазифалар бисёр. Излаган одам камчилик ҳам топади. Бироқ қаддини ростлаётган одамга елка тутганга не етсин?!

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




*Азиз ватандошлар!*

*МТС-Ўзбекистон жамоаси сизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан муборакбод этади ва барчага саломатлик, бахт, омад ва Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатда улкан зафарлар тилайди.*

МТС

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

Самарқанддаги
«ЧИНОР ШИРКАТ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ»
очиқ турдаги акционерлик жамияти

*мамлакатимиз халқини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 14 йил тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.*

*Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!*

*Халқлар ўртасидаги тенглик-тотувликка ҳеч қачон кўз тегмасин!*

*Озод Ўзбекистонимизнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнашига ҳамма-ҳаммамиз имкон қадар ҳисса қўшайлик!*





**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

## Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2007 йил 9,16,23,30 январь ва 6,13,20,27 февраль кунлари соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлинмаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилмоқда.**

1. 2006 йил 16 июндаги 10473-сонли ижро ҳужжатига асосан: давлат рақами X430NNM бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «АУДИ-100» русумли автотранспорт воситаси (техник соз, двигатель №RT040386, кузов № WAVZZZ44ZLN071306). ***Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.***
2. 2006 йил 7 февралдаги 5281-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «ИЖ-2715» русумли автотранспорт воситаси (пирожковоз, давлат рақами йўқ, кузов №583263, двигатель №7353203, кўк рангли, техник носоз). ***Бошланғич баҳоси — 454 215 сўм.***
3. 2005 йил 16 июндаги 14238-44-сонли ижро ҳужжатига асосан: давлат рақами 11О7385 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «ИЖ-2125 комби» русумли автотранспорт воситаси (кузов №XTK212510L0255574, двигатель рақами йўқ, сарғич рангли, техник носоз). ***Бошланғич баҳоси — 233 280 сўм.***
4. 2006 йил 6 январдаги 1752-сонли ижро ҳужжатига асосан: ишлаб чиқарилган йили номаълум, «МАЗДА-626» русумли автотранспорт воситаси (техник носоз, кузов №JMZGD12D201325833). ***Бошланғич баҳоси — 2 361 960 сўм.***
5. 2005 йил 18 январдаги 3534-сонли ижро ҳужжатига асосан: давлат рақами 10J8322 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «БМВ-525» русумли автотранспорт воситаси (техник носоз, двигатель №26096863, кузов № 11ОХОВС68637, қора-металик рангли). ***Бошланғич баҳоси — 6 480 000 сўм.***
6. 2006 йил 1 мартдаги 4405-08-сонли ижро ҳужжатига асосан: давлат рақами 10R4398 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси (техник соз, двигатель №F8C891601, кузов № ULV7T11YDXA036522, қизил рангли). ***Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм.***
7. 2006 йил 24 августдаги 14340-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчасидаги, яшаш учун мўлжалланган 11-уй (1 қаватли, ертўла, 4 хонали, 6 сотих). ***Бошланғич баҳоси — 45 258 500 сўм.***

*Қизиқиш билдирган харидорларга ушбу мулкларни Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.*

*Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар, ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.*

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.**


Бу ажиб дунё...

***Масачусетс технология институти олимлари ўргимчакнинг ипак толалари мустаҳкам ва кўпга чидайдиган бўлишини аниқладилар.***

## Ўргимчак шойи тўқийди

Профессор Чарет Маккинли ҳамкасблари билан тилла тола тўқувчи ўргимчак тўрини текширдилар. Ушбу ўргимчакларнинг тўқийдиган толаси шунчалик мустаҳкам бўлиб, унда кичик қушчалар ҳам ўралашиб қолади, балиқчилар эса ундан балиқ тўрларини ямашда фойдаланадилар. Аслида эса ўргимчаклар тўр тўқимай ипак эритмасидан иборат бўлган суюқликни чиқаради. Шу эритманинг бир чой қошиғи 10000 та тўр тайёрлашга етади.

Олимлар ипак толаси эритмасининг бир неча томчисини текшириш натижасида эритманинг 30-40 фоизи оқсиллар, қолганини сув ташкил қилишини аниқладилар. Профессор Маккинлининг фикрича, тўрнинг бундай ғаройиб хусусияти шундан иборатки, у сув эритмасидан олинган бўлиб, бундай тола сувда эриб кетмайди.


ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО С ИНОСТРАННЫМИ ИНВЕСТИЦИЯМИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"

**ПРИНИМАЕТ В НЕОГРАНИЧЕННОМ КОЛИЧЕСТВЕ**

**МАКУЛАТУРУ ОТ НАСЕЛЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИЙ**

В ОБМЕН НА ТОВАРЫ ПОВСЕДНЕВНОГО СПРОСА И НАЛИЧНЫЕ ДЕНЬГИ. МАКУЛАТУРУ МОЖНО СДАТЬ В ПРИЕМНЫЕ ПУНКТЫ ОАО ИИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"

АДРЕСА ПРИЕМНЫХ ПУНКТОВ:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Г. ТАШКЕНТ: МИРАБАДСКИЙ РАЙОН, УЛ. НАРХОДЖАЕВА, 56<br>МАССИВ ЧИЛАНЗАР, КВАРТАЛ 26<br>МАССИВ ЮНУС-АБАД, КИНОТЕАТР "КАЗАХСТАН"<br>МАССИВ ЯЛАНГАЧ "ДЕХКОН БОЗОРИ" | Г. АНГРЕН:<br>УЛ. НАВОИ, 22<br>КВ-Л 5/5, Д.14<br>КВ-Л 5/4 | Г. ДУКЕНТ<br>ОРИЕНТИР<br>"УНИВЕРСАМ" | Г. АЛМАЛЫК<br>"АЙДИН БОЗОРИ" | Г. БЕКАБАД<br>ОРИЕНТИР - ГОРОДСКАЯ ПРОКУРАТУРА | Г. ТОЙ-ТЕПА<br>"БОЗОРИ" |

ТЕЛЕФОНЫ ДЛЯ СПРАВОК В г. Ташкенте 293-03-80, 191-61-90; в г. Ангрене (370 166) 3-28-65, 2-12-23





# УРГАНЧ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР ЖАМОАСИ

**юртдошларимизни**

# КОНСТИТУЦИЯМИЗ

**қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади ҳамда уларга саломатлик, бахт-саодат ва Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.**

**Илму маърифатга ташналик, инсоф ва диёнат, меҳр-мурувват, саховат ва адолатпешалик каби эзгу туйғулар ҳеч биримизни тарк этмасин!**

*Эрк ва озодлик куёши юртимиз осмони узра мангу порлайверсин!*



## Ислоҳот ва самара



*Чўл туманларида ташаббус билан майдонга чиқиш, кичик ёхуд хусусий корхона очиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, албатта. Навоий вилоятининг марказидан 200-250 километр узоқда Томди, Учқудуқ туманлари, Зарафшон шаҳри борки, ёз саратонида, қиш қирчилламасида бу жойларга сафар қилмоқликнинг ўзи машаққат. Бироқ ана шу Қизилқум кенгликларидаги туманларда ҳам қийинчиликлардан чўчимайдиган, юрагида ўти бор, ташкилотчи ва ташаббускор аёллар, хотин-қизлар жуда кўп. Бунга мисол қилиб томдилик фидойи аёлларни кўрсатиш мумкин.*

# ҚИЗИЛҚУМЛИК ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

**Б**угунги кунда бу туман ширкат ва фермер хўжаликларида жами 296 минг 300 бош қўй, 1825 бош туя, 2853 бош йилқи бўлиб, отарлар маҳсулдорлигини оширишда аёллар улуши бениҳоя катта. Яқинда республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Дўстлик форуми»да ҳам бу кўмак алоҳида қайд этилди. Форум ишида иштирок этган республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек миллатлари қардошлиги, уларнинг ҳамжиҳатликдаги амалий хатти-ҳаракатлари таҳсинга сазовор эканини фахр-ифтихор ила тилга олди.

Томдилик аёллар орасида тижорат банкларидан кредит олиб, кичик корхона очаман, дейдиганлари ҳам жуда кўп. Ана шундайлар сирасига Курбонгул Эгизбаева, Бекжамол Наврўзбоева, Салтанат Сиддиқова, Фарида Муҳаммаджонова, Гулзера Иноятова, Олтин Бекназароваларни киритиш мумкин. Аслида улар — турли касб ва ихтисослик соҳибалари: бири педагог, бошқаси иқтисодчи, яна бирови эса чорвадор.

Жабай Балиманов номли ширкат хўжалигининг «Оқтов» қўрғонида яшовчи Гулзера Иноятова «Оқэрка» кичик корхонасини очишга муваффақ бўлди. Айни пайтда мазкур корхона 20 га яқин томдилик хотин-қизлар меҳнат қилиб, чўпон-чўлиқлар учун бежирим кийим-кечаклар ишлаб чиқаришмоқда. Ёки «Киргетов» ширкат хўжалигига қарашли «Симбат» кичик корхонасини олайлик. Уни Олтин Бекназарова бошқараяпти. У «Пахтабанк»нинг туман филиалидан кредит олиб, бинойидек кичик корхона эгасига айланди. Олтинойнинг корхонасида эса ҳозир 25 нафар хотин-қиз самарали меҳнат қилаяпти. Бу ерда маҳаллий хомашё — жундан кийим-кечаклар, болалар уст-бошлари тайёрланмоқда.

— Ҳали бу ишнинг бошланиши, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мусаллам Ибрагимова. — Яқин орада банклардан олинган муддатли ва имтиёзли кредитлар эвазига Томдида яна ўнлаб кичик корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш масканлари очишни мўлжаллаяпмиз. Мақсад саноатни фақат туман марказида эмас, балки олис овул ва ўтовларда ҳам ривожлантиришдир. Бу каби хайрли тадбирларни Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларида ҳам амалга ошираяпмиз.

— Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори чорвадорларимиз учун айни муддао бўлди, — дейди Марказий банкнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Баҳодир Муллахонов. — Бу ҳужжат талаблари ижросини таъминлаш мақсадида ҳозиргача жойлардаги кам таъминланган ва чорваси бўлмаган оилаларга 1 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар берилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратиб берди. Бир мисол. Вилоят «Микрокредитбанк»ининг Томди филиали сармояси эвазига «Бирлик» ширкат хўжалигида «Жигер» хусусий корхонаси иш бошлади. Фарида Муҳаммаджонова раҳбарлик қилаётган бу корхонада ҳозир 25 нафар аёл иш билан таъминланган. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш линияси ҳам ишга туширилаяпти. Бу хайрли тадбир учун вилоят «Микрокредитбанк»и яна 32 миллион сўм маблағ ажратди.

Томдидаги «Гулдер» ёки «Келбат» хусусий корхоналари ҳам «Пахта банк» ва «Микрокредитбанк» филиалларининг имтиёзли кредити эвазига ташкил этилган. Ҳар икки корхонада ҳозир 40 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилишаяпти.

Қизилқумлик аёллар, шаҳардан олисда янги-янги иш ўринлари яратаётган фидокор тадбиркорларга омад кулиб боқаверсин!

**Музаффар ЖАҲОНОВ.**

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**

2801R/296

**Российский линолеум**

**Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск**

**тел. 134-48-11
факс 134-49-58**

3107H/263

**РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —**

**«ҒАЛЛАБАНК»**

мамлакатимиз аҳолиси ҳамда ўзининг доимий мижозлари учун 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини жорий этгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 январгача бўлган муддат давомида қабул қилиш шарти билан қисқа муддатли

**«Sovg'a», «Mehr» ва «Sarmoya»**

номли юқори фоиздаги янги омонат турларини таклиф этади.

*«Sovg'a» омонат турига маблағлар **3 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган кундан тўлаб борилади.*

**Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 500 минг сўм.**

*«Mehr» омонат турига маблағлар **6 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади.*

**Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.**

*«Sarmoya» омонат турига маблағлар **1 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.*

**Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм қилиб белгиланган.**

**Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.**

*Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.*

**«ҒАЛЛАБАНК» ОМОНАТЛАРИ — КЕЛГУСИ ДАРОМАДЛАРИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!**

**«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!**

3564R/2125

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги дам олиш масканларини сотиш бўйича**

**ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**«Лайнер»** дам олиш масканининг бошланғич баҳоси **996 000** (тўққиз юз тўқсон олти минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион эҳтиёжлари **180 000** (бир юз саксон минг) АҚШ долларини ташкил этади.

**«Бурчмулла»** дам олиш масканининг бошланғич баҳоси **193 000** (бир юз тўқсон уч минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион эҳтиёжлари **155 000** (бир юз эллик беш минг) АҚШ долларини ташкил этади.

**«Оқтош»** дам олиш масканининг бошланғич баҳоси **178 000** (бир юз етмиш саккиз минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион эҳтиёжлари **133 000** (бир юз ўттиз уч минг) АҚШ долларини ташкил этади.

**«Алгоритм»** дам олиш масканининг бошланғич баҳоси **70 000** (етмиш минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион эҳтиёжлари **201 000** (икки юз бир минг) АҚШ долларини ташкил этади.

**«Солнечная поляна»** дам олиш масканининг бошланғич баҳоси **134 000** (бир юз ўттиз тўрт минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион эҳтиёжлари **71 000** (етмиш бир минг) АҚШ долларини ташкил этади.

**«Ўзэлектромонтаж»** дам олиш масканининг бошланғич баҳоси **179 000** (бир юз етмиш тўққиз минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион эҳтиёжлари **132 000** (бир юз ўттиз икки минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Юқоридаги дам олиш масканлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган.

Мазкур дам олиш масканлари бўйича энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Ҳар бир дам олиш маскани бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати 50 (эллик) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Марказий операцион бўлими

*ҳисоб рақами 20203840900600289004,
ИНН 201122696, банк коди 00882,
700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй,
S.W.I.F.T. код: MBFAUZ2X.*

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 3 февраль куни Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 3 февраль куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, 8.01-хона.**

**Давлат мулки қўмитаси бош бошқарма бошлиғи Вахабов Улуғбек Каримович эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-61. Факс: +998 (71) 139-20-72.
Эл. почта: ves@spc.gov.uz**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли Қарорига мувофиқ қуйидагиларни сотиш бўйича**

**ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**I. Фарғона кимёвий толалар заводи**

ФАРҒОНА КИМЁВИЙ ТОЛАЛАР ЗАВОДИ сотувга қўйилади. Корхонанинг бошланғич баҳоси – 6 010 000 (олти миллион ўн минг) АҚШ доллари. Шу билан бирга инвестор корхонанинг мавжуд бўлган барча қарзларини, шу жумладан, олган кредитларини узиш ҳамда корхонани ривожлантириш учун 5 000 000 (беш миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган инвестицияларни беш йилдан кўп бўлмаган муддатда киритиш мажбуриятини олиши лозим. ФАРҒОНА КИМЁВИЙ ТОЛАЛАР ЗАВОДИга энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

ФАРҒОНА КИМЁВИЙ ТОЛАЛАР ЗАВОДИ Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1969 йилда ишга туширилган. Корхонанинг ишлаб чиқариш ихтисослиги — яхлит ацетат иплар, полиамид – 6 гранулалари, полиамид иплар, шина корди қопламасини ишлаб чиқариш.

**II. «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятининг 49% акциялар пакети**

«АММОФОС» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларининг 49 (қирқ тўққиз) фоизни ташкил этувчи 484 057 (тўрт юз саксон тўрт минг эллик етти) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 17 164 400 (ўн етти миллион бир юз олтмиш тўрт минг тўрт юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари — 27 000 000 (йигирма етти миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади. «АММОФОС» ОАЖнинг 49% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

«АММОФОС» ОАЖ Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида жойлашган. Корхона 1969 йилда ишга туширилган. «АММОФОС» ОАЖ Ўзбекистон Республикасида энг йирик азот-фосфор минерал ўғитларни ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, республика қишлоқ хўжалигининг фосфор ўғитларга бўлган эҳтиёжининг 85 фоизини қондиради.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 1 мартда Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 1 мартда Тошкент вақти билан соат 15.00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

*Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:*

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:*
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**

**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс:+998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

## Маънавиятнинг мангу булоқлари



***БУХОРОИ ШАРИФни азалдан улуғ олимлар ва алломалар, машҳур авлиёлар ва пирлар юрти, деб таърифланиши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, Бухоро муқаддас қадамжолари, маданий-тарихий обидалари, дунёга машҳур алломаю уламолари билан шуҳрат қозонган. Айниқса, мустақиллик йилларида бевосита Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Бухоро янгитдан бунёд бўлди, тарихий ва меъморий обидалар қайтадан чирой очди. Нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг меҳмонлар ва сайёҳлар қадами узилмайдиган мафтункор зиёратгоҳ шаҳарлардан бирига айланди.***

# «БИЗНИ ЁДГА ОЛГАННИНГ ЗАМОНИ ОБОД БЎЛГАЙ»

— Мамлакатимиздаги тарихий ва муқаддас масканларни бирма-бир айланиб, зиёрат қилдик, — дейди Халқаро Бобур номли жамғарма раҳбари Зокиржон Машрабов. — Айниқса, Бухоро заминидаги етти пирни зиёрат қилганингда руҳан енгил тортиб, уларнинг обод бўлганини кўриб қалбинг қувончларга тўлади.

Яқинда чоп этилган таниқли шоир ва олим Садриддин Салим Бухорийнинг «Икки юз етмиш етти пир» («Бухоро» нашриёти, 2006 й.) деб номланган тарихий-маърифий китобини ўқиб чиқсангиз, сизнинг ҳам руҳингиз енгил тортади. Китобни мутолаа қилиш жараёнида гўё пирлар ва авлиёлар ётган муқаддас жойларни қалбан зиёрат қиласиз. Уларнинг ҳақларига дуолар ўқийсиз.

Бу китоб узоқ йиллик илмий изланишлар ва заҳматли меҳнатлар самарасидир. Таниқли қаламкаш Садриддин Салим ижодининг бош мавзуси — Бухоро. У Бухорони шунчаки севмайди, шунчаки шеърга солмайди, қуруқ мадҳ этмайди. Балки Бухоро мавзусида ҳамиша қалб ҳарорати, юрак кўри ва чексиз муҳаббат билан ёзади. «Икки юз етмиш етти пир» китоби ҳам ана шу ҳарорат ва муҳаббатнинг тотли мевасидир. Китобни ўқиш жараёнида Садриддин Салимнинг Бухородан ҳикмат излашига, илм дурларини эринмай йиққанига иқрор бўласиз. Бухоронинг бирор-бир обидасига шикаст етса, унинг ҳам қалби оғрийди, юрагида жароҳат пайдо бўлади. Шўро даврида устоз Неъмат Аминов билан бирга «Бухорони қутқаринг!» дея ўз вақтида бонг уриб чиққан ҳам Садриддин Салим Бухорий эди. Бугун у озод ва обод Бухорони илҳом билан қаламга олган. Китоб сўзбошисида айтилганидек, унда «нафақат тариқат, шариат пирлари, балки шоир, деҳқон, меъмор, косиб, хуллас, турли соҳа устодлари ҳақида маълумотлар баён қилинган. Зеро, ул зотларнинг ҳаёти ибрат, улар бунёдкор эди...»

Китоб «Ҳазрат Аюб алайҳиссалом» ҳақида ёрқин ва ибратли маълумотлар бериш билан бошланади. Сўнг «Ҳазрат Довуд алайҳиссалом», «Ҳазрат Хизр алайҳиссалом», «Имом ал-Бухорий», «Ҳазрат Абу Али ибн Сино», «Меъмор Уста Бақо», «Ҳазрат Сайид Амир Кулол», «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд», «Қизбиби зиёратгоҳи», «Ҳазрат Қосим шайх Азизон», «Ҳофиз таниш Бухорий», «Аҳмад Дониш» сингари бир-биридан ниҳоятда қизиқарли маълумотларга бой бўлган ранг-баранг мақолалар завқ-шавқ билан ўқилади. Маълумот-мақолаларда бу улуғ зотларнинг фақат таржимаи ҳоллари эмас, балки уларнинг ўлмас меросларидан намуналар, ибратли саҳифалар ҳам битилгани, ўқувчи маънавиятини бойитади, кенг тасаввур пайдо қилади.

Масалан, Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборакдан сўрадилар: «Қай хислат инсонга энг фойдалироқдир?» Ул зот дедилар: «Ақли вофир (яъни мўл ақл, ақли бисёр)». Яна сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Дедилар: «Меҳрибон дўст бўлсин, токи у билан ҳар бир ишини машварат қила олсин!» Яна сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Дедилар: «Доимий хомушлик (яъни доимий сукут)». Яна сўрадилар: «Уни ҳам этолмаса нетсун?» Дедилар: «Унда ўлсин!»

Имом ал-Бухорийнинг «Ал Жомиъ ас-Саҳиҳ» китобларидан шундай ҳадис намунаси келтирилади: «Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, аразлашманглар, ака-ука тутиниб, Аллоҳнинг солиҳ бандалари бўлинг. Мусулмон одам ўз биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмасин!»

Юсуф Ҳамадоний ҳикматларидан: «Агар тупроқ моҳиятини ўрганаман, десанг (зеро, сен тупроқдан яратилгансан), бутун умринг сарф бўлур, лекин тупроқ сиру асрорига оид бўлган илминг ибтидода қолгай».

Китобдан бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буюк алломалардан қолган ҳаётий ҳикматлар асло эскирмайди. Ҳикматлар мудом инсониятни эзгуликка чорлаб, тарбиялаб келади, уни комил бўлишга даъват этади, мудом яхши бўлишга ундайди.

Шунингдек, китобнинг Масжиди Калон имоми бўлган «Мавлоно Нуриддин Сирфий» қисмида Масжиди Калоннинг ўтмишдаги оғир қисмати баён қилинади. «Мустақиллик шарофатидан Масжиди Калон намозхонлар ихтиёрига берилди. 1996 йил Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармойишига мувофиқ Масжиди Калонни асл ҳолига келтириш учун маблағ ажратилди. Натижада, Масжиди Калон ўз асл қиёфасини топди», деб алоҳида таъкидлайди муаллиф.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Собиқ шўролар даврида омборхонага айлантирилган Масжиди Калон бугун нафақат Бухорода, балки ислом оламидаги энг йирик намозхоналардан, табаррук зиёратгоҳлардан бирига айланган. Китобда баён этилган авлиёлар, олимлар ва пирларнинг барча зиёратгоҳлари деярли мустақиллик даврида қайта тикланиб, таъмирланиб, обод бўлган.

Масалан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» (қалбинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин) деган буюк ҳикмати аллақачон инсониятнинг эркинлик ва ҳалоллик шиорига айланган. Истиқлол шарофати билан 1993 йилда ва 2003 йилда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида улкан ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Муаллиф таъкидлаганидек, улуғ авлиёлар, пирлар ва алломаларнинг обод бўлган зиёратгоҳларидан ўтсангиз, шундай мисралар эшитилса, асло ажабланманг:

***Бизни ёдга олганнинг***
***замони обод бўлгай,***
***Макони обод бўлгай,***
***жаҳони обод бўлгай.***
***Не экса ўриб олгай***
***ўшани одам бешак,***
***Бизни ёдга олганнинг***
***хирмони обод бўлгай!***

Тарихдан маълумки, улуғ авлиёлар, пирлар қадами теккан жойда билим ва маърифат зиёси, маънавият нурлари доимо порлаган. Бугун ўша мангу нур уларнинг зиёратгоҳларида ёғилиб турибди. Мустақиллигимизнинг фидойи куйчиси, таниқли ижодкор Садриддин Салим Бухорийнинг «Икки юз етмиш етти пир» китобини ўқиб чиққач, беихтиёр қўлларни очиб, илоё, буюк авлиёлар, пирларнинг руҳлари Ватанимизни, халқимизни бало-қазолардан, ёмон ва ёвуз ниятлардан асрасин, деб дуо қиламиз. Китобнинг қадр-қиммати, маънавий-тарбиявий аҳамияти ҳам шунда!

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**


**MANAGEMENT CONSULTING**

**Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш**

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

S0106/1323



**МЧЖ шаклидаги «Хонқа ип йигирув ва тўқимачилик фабрикаси»,**

**СТИР 204629275, юридик манзили: Хоразм вилояти, Хонқа тумани, О.Бобожонов кўчаси, 1-уй, телефон: (8-362) 399-12-95, Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 6 октябрда №22-06.03-5256-сонли иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарорига асосан қарздор банкрот деб эълон қилинди ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш жараёни жорий қилинди. Тугатиш бошқарувчиси вазифасига Казаков Бахтияр Камбулович тайинланди.**

МЧЖ шаклидаги «Хонқа ипйигирув ва тўқимачилик фабрикаси»га кредиторлар ўз талабларини тақдим этишлари учун ушбу хабар чоп этилган санадан бошлаб 2 ой муддат белгиланган (ушбу муддатда ўз талабларини билдирмаган кредиторлар талаблари кейин инобатга олинмайди).
2006 йил 10 декабрь соат 15.00 да «Хонқа ипйигирув ва тўқимачилик фабрикаси» МЧЖ биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади.

*Кун тартиби:*

1. *Тугатиш режасини тасдиқлаш.*
2. *Баҳоловчини тасдиқлаш.*
3. *Тугатиш жараёни смета харажатларини тасдиқлаш.*
4. *Қарздорни молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторни тасдиқлаш.*

3616Н/2198



O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

*Ҳурматли тадбиркорлар!*

- қонуний манфаатларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- замонавий технологиялар жалб қилиш соҳасида сизни қийнаётган саволлар кўпми?

**Албатта сиз бу саволларга жавоб топа оласиз!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**

**хўжалик субъектларининг ушбу соҳаларга доир мурожаатларига зарурий ахборот ва йўллама таклиф этиш мақсадида *call-center* — тезкор маслаҳат хизматини ташкил этди.**

*Мурожаат қилинг. Ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олинг.*

Телефонлар: 150-60-06, 150-60-03.
Электрон манзил: callcenter(@)chamber.uz



**Жаннатмонанд юрт — Она-Ўзбекистонимиз халқини Конституциямизнинг**




**14 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этамиз!**

**Юртимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизга омадлар тилаймиз!**

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

3646Н/2259



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**



**Ўлчаш диапазонлари:**
**- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
**- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

3598Я/2166



**ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**


ГАЗ-31105, «ВОЛГА»


ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли


ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли


ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли


ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли


ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА


ГАЗ-3307 Автоэвакуатор


ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

**АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**

2808Я/278



**БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ**



**2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.**

**ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15. E-mail: metrolog@sarkor.uz**



Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 6 ноябрдаги 22-05.03-3457-сонли иш бўйича ажримига асосан «Урганч ипак қурти тухуми» масъулияти чекланган жамиятга жорий этилган ташқи бошқарув яна бир йилга узайтирилди.
Ушбу ажрим билан ташқи бошқарувчи этиб Я.Рўзметовнинг номзоди тайинланди.

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**Ироқ Бош вазири ўринбосари Барҳам Солиҳ АҚШ биринчи галда Эрон ва Сурия билан музокаралар ўтказиши керак, деб ҳисоблайди.** Унинг фикрича, мамлакатдаги зўравонликларга барҳам беришда икки давлатнинг ўрни катта. Ҳозирча бу таклиф Вашингтонда катта баҳсларга сабаб бўлмоқда.



**Владивостокда божхона ходимларига қуролланган жангарилар ҳужум қилди.** Қўмитанинг матбуот хизмати вакили ҳужум чоғида бир нафар ходим жароҳатланганини билдирди. Ҳозирда жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилаяпти.



**Парижда «олтилик» давлатларининг учрашуви бўлиб ўтди.** Унда Эроннинг ядро дастури атрофидаги зиддиятли масала муҳокама қилинди. Бироқ томонлар мазкур масалада расмий Теҳронга қарши қўлланиладиган санкция резолюцияси лойиҳаси юзасидан бир тўхтамга келолмадилар. Бу ҳақда Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили расман эълон қилди.



**АҚШ Конгрессининг куролли кучлар масалалари бўйича қўмитаси Пентагон раҳбарлигига Роберт Гейтс номзодини тасдиқлади.** Мазкур масала сешанба куни 5 соат муҳокама қилинди. Шундан сўнг ҳам сенаторлар бир тўхтамга келиш учун ёпиқ эшиклар ортида яна бир неча соат 63 ёшли Гейтс номзодини кўриб чиқишди. У олдин ФҚБни бошқарган.



**Америкалик олимлар Бушнинг махфий буйруғини бажаришга киришдилар.** Ҳозир улар ядро қуролининг янги авлодини яратиш устида бош қотиришмоқда. Яратилажак оммавий қирғин қуроли ўғирлаб кетилган тақдирда ҳам ўз-ўзини зарарсизлантира олиш имконига эга бўлиши керак. АҚШ президенти олимлар олдига мана шу масалани қўйган.



**Айни пайтда Гаага трибуналида Серб радикал партияси етакчиси Воислав Шешел устидан суд жараёни бўлиб ўтмоқда.** Айбланувчи суд жараёнларида ўзини ҳимоя қилиши учун юридик маслаҳатлар олиш ҳуқуқи чеклангани сабабли, очлик эълон қилди. У бир неча кун ичида 25 килограммга озган. Сербия, Россия ва франциялик шифокорлар унинг аҳволи ёмонлашганини маълум қилишди.



**Жаҳон банки Россиядаги иқтисодий ўсишни ижобий баҳолади.** Бироқ банк экспертлари 2007 йилда давлат бюджетида кутилган ўсиш юз бермаслигини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, мамлакатда ўтказилаётган муҳожирлик сиёсати иқтисодий ўсишни чеклаши мумкин. Жорий йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7 фоизга ўсиши тахмин қилинаяпти.



**Хитой илмий тадқиқотларга кўп маблағ ажратиши жиҳатидан дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди.** Бу борада Япония давлати ҳам қувиб ўтилди. Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш экспертларининг билдиришича, жорий йилда мамлакатда илм-фан ривожланиши учун 136 миллиард доллар сарфланган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 20 фоиз кўпдир.

**«Ливерпул» футбол жамоаси мураббийси Рафаэль Бенитес дубайлик шайх клубни сотиб олмоқчи эканлигини маълум қилди.** Ҳақиқатан ҳам, Бирлашган Араб Амирлиги фуқароси бўлган тадбиркор Муҳаммед бин Рашид клуб раҳбариятига 900 миллион доллар таклиф қилган. Ушбу маълумотни Dubai Investment Capital фонди ҳам тасдиқлади.



**Покистон Кашмир муаммосини ҳал этиш юзасидан янги таклиф билан чиқди**. Мамлакат президенти Парвез Мушарраф агар Ҳиндистон тарафи мазкур таклифга розилик билдирса, ўз давлати Кашмир музофотига даъво қилмаслигини билдирди. Унга кўра, мазкур ҳудудга мустақил бошқарув ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари, Парвез Мушарраф босқичма-босқич тарзда мамлакат ҳарбий кучлари Кашмирдан олиб чиқиб кетилади деди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

Азиз юртдошлар!

UTBANK
UZBEKISTAN-TURKISH BANK

Республикамизнинг энг нуфузли банкларидан бири —

«ЎЗБЕК – ТУРК» ҚЎШМА БАНКИ

Сизларни мамлакатимиз Бош Қомуси — Конституциямизнинг 14 йиллиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этади.

Ушбу қувончли кунларда Сизларга соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилаймиз!



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
компанияси меҳнат жамоаси

ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги билан қизғин қутлайди.

Яратгандан диёримизда эзгулик ва бунёдкорлик ишқи билан яшаётган ҳар бир юртдошимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, бахт-саодат тилаймиз.

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

# Асло дард кўрмагин, болажон!



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 5-болалар шифохонасининг кўз касалликлари бўлимига фарзандларини даволатиш учун олиб келган ота-оналар, аввало, бўлим мудири Шоҳида Дадамуҳамедовани йўқлашади. Сабаби, нигоҳидан мулойимлик ва дилкашлик ёғилиб турувчи олий тоифали шифокорнинг қўли енгил, тили ширин. Ўзининг самимий муомаласи билан ҳамкасбларининг ҳам, беморларнинг ҳам меҳрини қозонган.

Ҳар куни эрталаб бўлимда ётиб даволанаётган 15-20 нафар беморни тиббий назоратдан ўтказиш, ҳафтанинг 3-4 кунида микрожарроҳлик муолажаларини амалга ошириш, шошилинч жарроҳлик муолажасига муҳтож бўлиб келган бемор болаларга кеча-ю кундуз хизмат кўрсатиш айтишгагина осон, холос. Бунинг учун жуда катта фидойилик керак бўлади.

— Кўз инсоннинг нозик аъзоларидан бири, — дейди шифокор. — У бизни ёруғ олам гўзалликлари билан ошно этади. Қалбимизга рангин туйғулар олиб киради. Бўлимимизда ишлайдиган шифокорларнинг барчаси масъулиятни тўла ҳис этадилар. Замонавий тиббий жиҳозлар асосан Россиядан келтирилган. Истагимиз шуки, ўғил-қизларимиз ҳар жиҳатдан соғлом ўсиб, юртимиз тараққиёти учун хизмат қилишсин. Улар бизнинг ноёб бойлигимиз. Шу бойликни авайлаб-асраганимиз, ардоқлаганимиз сари жамиятимиз ҳам гўзаллашиб бораверади.

**СУРАТДА: Шоҳида Дадамуҳамедова беморнинг кўзини текширмоқда.**

**Азамат АҲМАД олган сурат.**

**ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?**

**ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ**

- **Қарийб 50 минг мақола жам бўлган китобни ўқиганмисиз?**
- **10 яшар «Ҳуррият» нима дейди?**
- **Гулмиранинг «Оддий ҳақиқатлар»и.**
- **Китобларимизда пайдо бўлган ISBN рақамлари нимани англатишини биласизми?**
- **«Балиқ кўзи» фотокамерасини яратган Роберт Вудни танийсизми?**

*«Ўзбекистон матбуоти» журналининг янги сонида шунга ўхшаш яна кўплаб қизиқарли мақолалар билан танишасиз.*

**Шунингдек, ушбу журналга обуна бўлсангиз мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган ислоҳотлар, матбуотчиларнинг бугунги ўй-мақсади, режаси ҳақидаги лавҳалар, матбаа янгиликларидан хабар топасиз.**

2007 йил учун обуна давом этмоқда.

**Нашр индекси — 883.**




**СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD**

Vinlad — *Сделаем жизнь спокойнее!*

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

**Системы охраны периметров**
**Навигационные системы**



Geoquip WORLDWIDE

**Охрана трубопроводов**
**Безопасность перевозок**
**Контроль местонахождения транспортных средств**
**Контроль расхода топлива**

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лиценцзия КМ №000390 (проектирование).

## Спорт

***Қатар пойтахти Дохада ўтаётган XV Осиё ўйинларининг яна бир куни ортда қолди. Ниҳоят, ўзбек спортчилари ҳам илк олтин медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.***

### Ўзбекистон:

# ОЛТИН МЕДАЛЬ ҲИСОБИ ОЧИЛДИ

Академик эшкак эшиш бўйича жуфтликлар ўртасида 1000 метрга ўтказилган мусобақаларнинг финалида Руслан Наурзалиев ва Владимир Черненко, аёллар ўртасида эса шу масофага бўлган беллашувда Зарина ва Севара Ғаниевалар маррага биринчи бўлиб етиб келиб олтин медалларини қўлга киритдилар. Дохада музаффар спортчиларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Ғолиб спортчиларимиздан Руслан Наурзалиев эндигина 21 ёшга тўлди.

— Бизнинг асосий рақибимиз хитойликлар эди,— дейди у журналистларга берган интервьюсида. — Албатта, тинимсиз ўтказган амалий машғулотларимиз ўз фойдасини берди. Медаллар янада кўп бўлишига ишонаман.

Севара Ғаниеванинг таъкидлашича, бу муваффақият тасодифий эмас. Спортнинг бу тури бўйича Ўзбекистонда катта тажриба мактаби яратилган. Эслатиб ўтамиз, қитъанинг энг нуфузли мусобақасида 248 нафар юртдошимиз 31 спорт тури бўйича ўз кучини синовдан ўтказмоқда.

Куни кеча футбол беллашувларининг «А», «В», «С» гуруҳи ғолиблари номи аниқланди. «А» гуруҳида баҳс олиб бораётган ўзбекистонлик футболчилар учинчи турда Иордания терма жамоасига қарши майдонга тушди. Ҳамюртларимизга кейинги босқичга чиқиш учун дуранг натижа ҳам кифоя қиларди. Лекин улар рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мухлисларига олам-олам қувонч бахш этдилар. Шундай қилиб, футболчиларимиз қайсидир маънода айрим турларида жуда бўш иштирок этаётган вакилларимиз айбини ювишди. Тўплар Александр Гейнрих, Виталий Денисов ва Сервер Жепаров томонидан киритилди. Агар йигитларимиз шу тахлит ҳамжиҳатликда курашни давом эттирсалар, совринли ўринлар эгалланиши шубҳасиз. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Қатар терма жамоаси БАА футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолди.

«В» гуруҳида Жанубий Корея футболчилари Баҳрайн жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўл олди. Гуруҳдаги Вьетнам — Бангладеш учрашувида 5:1 ҳисоби қайд этилди. «С» гуруҳида Кувайт терма жамоасини 1:0 ҳисобида енгган Таиланд футболчилари чорак финалга чиқишди. Бу гуруҳдаги иккинчи учрашувда Қирғизистон футболчилари Фаластин жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Қолган уч гуруҳдаги сўнгги тур учрашувлари кеча оқшом бўлиб ўтди. Чорак финал беллашувлари 9 декабрь куни бошланади. Ўзбекистон ва Таиланд футболчилари энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иккинчи ўрин соҳибларига қарши тўп суриши кутилмоқда.



*Ёш иқтидорли боксчимиз Элшод Расулов кеча ўзининг ажойиб жангини ўтказди.*

### Элшоднинг чапани зарбаси

***Эронлик Хумоюн Амири юртдошимизнинг кетма-кет берган кучли зарбаларига дош бера олмади ва нокаут ҳолатига тушди. Дилшод Маҳмудов кувайтлик Ал Сабохни 19:3, Жасур Матчонов хитойлик Ли Вейни 17:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, Орзубек Шоимов, Баҳодир Султонов, Бекзод Ҳидировлар ҳам кейинги босқичга йўл олишди.***

### Ирода ва Оқгул ярим финалда

Оқгул Омонмуродова ва Ирода Тўлагановалар хитойлик дугоналарини мағлуб этиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритишди.

Энди Осиё ўйинлари дастуридаги бошқа спорт турлари ҳақида:

### Велоспорт

45 километрлик масофага бўлган баҳсларда ҳамюртимиз Владимир Тўйчиев маррага тўққизинчи бўлиб етиб келди.

### Оғир атлетика

Саламат Нуруллаев ўз вазн тоифасида 335 килограмм натижа билан бешинчи, Олег Алборов эса ўз вазн тоифасида 345 килограмм натижа билан олтинчи ўринни эгаллади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Обуна — 2007»

# «Халқ сўзи» — севимли газетамиз,

### дейди нурободлик чорвадорлар

— Давраларда, йиғинларда, тўйларда, қисқаси, қаерда бўлмасин, бугунги вақтли матбуот нашрлари ҳақида гап очилса, албатта суҳбат мавзуи «Халқ сўзи» газетасига келиб тақалади, — дейди Нуробод туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Ҳасан Мардонов. — Зиёлими, чорвадорми, қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар ҳар бир муштарий мамлакатимизнинг бош нашрида чоп этилаётган муаммоли, таҳлилий, танқидий мақолаларга бепарво эмаслигига ана шундай суҳбатларда яна бир бор амин бўламан. Энг асосийси, одамларимизнинг ҳар кун газеталарни, хусусан, «Халқ сўзи»ни бетоқатлик билан кутишидан улар онгининг юқорилигини, жамиятимиздаги, она диёримиздаги ўзгаришлардан, янгиликлардан бепарво эмаслигини қалбдан ҳис этаман.

Чорвадорлар юрти бўлмиш, бугунги кунда яйловларда минг-минглаб қўй-қўзилар боқилаётган Нурободда азалдан матбуотга эътибор катта. Кунчиқари Жом аталмиш улуғ бир қишлоқдан бошланган ва ниҳояси Навоий вилояти чегарасидаги чўпонлар юрти — Сахобаю, Қарнабга бориб тақаладиган мазкур туманда ижод қилган улуғ оқинлар, эл эъзозига сазовор бахшилар, шоирлар, ёзувчилар кўп бўлишган. Бугун улар сафига кўплаб истеъдодли ёшлар қўшилишган.

Дарвоқе, Нурободнинг ҳудуди бепоён, одамларининг бағри кенг. Энг асосийси, эса уларнинг илму зиёга ташналигида. Қарангки, ҳозиргача чорвадорлар юртида биргина «Халқ сўзи»га 210 нусхадан ортиқ обуна қилинибди.

> — Бу ҳали охирги натижа эмас, — давом этади Ҳ.Мардонов. — Мактабларимизнинг ўзидан яна 70 дан ортиқ обуна кутилаяпти. — Сабаби, билим даргоҳларида ҳар куни ўқиш, ўқитиш, изланиш давом этмоқда. Бундай жараёнда эса мамлакат миқёсида ҳафтада энг кўп нашр этиладиган, Президентимиз фармонлари, қарорлари, янги қонунлар, ҳукуматимизнинг муҳим ҳужжатлари ўз вақтида чоп этилаётган «Халқ сўзи» энг яқин кўмакчидир.

Бемалол, айтиш мумкин, чорвадорлар юрти — Нурободда «Халқ сўзи»нинг мухлислари кўп. Келгуси — 2007 йилда эса улар сонининг янада ошишига шубҳа йўқ.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ажабо!



*Олтиариқ тумани ҳокимининг 2003 йилдаги қарорига мувофиқ, «Янгиқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида яшовчи 143 нафар фуқарога томорқа учун 10 сотихдан ер ажратилиши керак эди. Худди ўша кезларда туман ҳокими Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидан Олтиариқ шаҳарчасида яшовчи 50 нафар фуқарога ҳам томорқа учун ер берилиши ҳақидаги қарорга имзо чекди.*

# ҚОНУНБУЗАРЛИК ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?..

**А**ммо ерни тақсимлаш жараёнида талон-торожлик кучайгандан-кучайиб кетди. Жумладан, Янгиқўрғон ҚФЙ бўйича 35 нафар фуқарога, Олтиариқ шаҳарчаси бўйича 26 нафар фуқарога — жами 61 кишига ер ажратиб бериш мақсадида уларнинг исм-шарифлари туман ҳокими қарорига илова тариқасида тиркаб қўйилди. Бироқ бу ҳақда мутасадди идораларга хабар қилинмади.

Энг ачинарлиси, қарорда ер билан таъминланиши кўзда тутилмаган ва бунга алоқаси бўлмаган 10 нафар фуқаро ширкат хўжалиги экин майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олди. Фуқаролар йиғини раҳбарлари, меъморчилик бўлими, ер ресурслари мутахассислари ва маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари буни кўра била туриб, лом-мим дейишмади.

Мен элнинг кўз олдида юз бераётган қонунбузилиши ҳақида 2005 йил 28 май куни туман ҳокими А. Абдуллаевга ёзма мурожаат қилдим. Ҳоким аризани кўриб чиқишни ва қонуний ҳал қилишни биринчи ўринбосари Ж. Суярқулов зиммасига юклади. Ж. Суярқулов эса 6 июль куни менга даъволарим тасдиқланмаганини, шу боис аризам рад этилганини маълум қилди. Орадан уч кун ўтгач, қайтадан туман ҳокимига ва ўша пайтдаги туман прокурори М. Мамажоновга давом этаётган адолатсизликлар ҳақида шикоят ёздим. Шунга кўра, бир масала иккала идора томонидан алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқилди ва натижалари икки хил бўлиб чиқди. Чунончи, прокурор аризамдаги далиллар тасдиқланмаганини маълум қилса, ҳокимнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А. Мамадалиев мутасаддилар ва менинг иштирокимда махсус комиссия тузиб, текшириш ўтказди. Пировардида 10 нафар фуқаро, ҳақиқатан ҳам, ерларни ўзбошимчалик билан тасарруф этаётганлиги ойдинлашди. Аммо ҳоким ўринбосари бу ҳолатларга якуний баҳо беришни ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга эмас, «Янгиқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг янги раҳбари А. Оламов эътиборига ҳавола қилди.

Яна тепа сочим тикка бўлди. Вилоят телевидениесидан ёрдам сўрадим. Ҳаял ўтмай, «Бир шикоят изидан» номли кўрсатув тайёрланиб, икки марта намойиш этилди. Ниҳоят, энди адолат тикланиб, ернинг ноқонуний талон-торож қилинишига барҳам берилади, деган қатъий ишонч билан бултур 30 август куни яна Олтиариқ тумани прокурори Д. Қурбоновга хат юбордим. Бир ҳафтага қолмай, прокурордан аризам туман ҳокимига юборилганлиги тўғрисида жавоб олдим. Унда ариза 21 сентябрга қадар албатта кўриб чиқилиши ва натижаси маълум қилиниши эслатилганди.

Мана, ўшандан буён орадан бир ярим йилча вақт ўтди. Аммо ҳокимликдан ҳеч қандай жавоб олмадим. Ҳолбуки, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ёзма мурожаатим бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим эди.

Навбатдаги ёзишмаларимдан бирига вилоят прокурори ўринбосари М. Қурбонов жорий йилнинг 24 апрелида юборган жавобда эса «Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини собиқ раиси А. Муллажонов ва котиби А. Нишонов 2003 йил 25 август куни МФЙда қабул қилинган қарорга 33 нафар фуқарога ҳам ер ажратиш ҳақида сохта рўйхат илова этилгани тасдиқлангани, ноқонуний ажратилган ер майдонларини қайтариб олиш учун туман ҳокимлигига тақдимнома юборилиб, ўзбошимча шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан судга даъво-ариза киритиш масаласи ҳал этилаётгани таъкидланганди. Афсуски амалда ҳеч нарса ўзгармади. Ҳайронман, бундай бепарволиклар қачонгача давом этаркин?

**Сотволди МАҲКАМОВ.**
Олтиариқ тумани.

BELARUS

**МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ**

*Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали*

**МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ**



**МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.**

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Амалий физика илмий текшириш институти жамоаси институт директори, академик Толиб Мўминовга опаси

**РУХСОРА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Мумтоз адабиёт тарихи бўлимининг етакчи илмий ходими Суйима Ғаниевага ўғли

**ЭЛДОРнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси «Таҳририят ва нашриёт» бўлими бошлиғи, доцент И.И.Юнусовга онаси

**САПУРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи**
**Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — Б. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 123 56